

9-сонли ШАРТНОМА
Хизмат кўрсатиш тўғрисида

№ 40-05/76
07.01.2022

Тошкент шаҳри

«__» январь 2022 йил

Устав асосида фаолият кўрсатувчи «Dori vositalari, tibbiy buyumlar va tibbiy texnika ekspertizasi va standartlashtirish Davlat markazi» Давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда – Давлат маркази) номидан директор С.Х.Кариев (кейинги ўринларда - «Бажарувчи») бир томондан ва Устав асосида фаолият кўрсатувчи «Farg'onaazot»АЖ номидан Бошқарув раиси Салижанов А.Т. (кейинги ўринларда - «Буюртмачи») иккинчи томондан, «Тарафлар» деб аталувчи қуйидагилар мазмунда ушбу шартномани туздик:

1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ ВА ИШЛАРНИНГ НАРХИ

1.1 Ушбу шартнома бўйича «Буюртмачи» такдим этган буюртмасига кўра, «Бажарувчи» тиббий ўлчаш воситаларини (кейинги ўринларда - ЎВ) қиёслаш ишларини, «Буюртмачи» эса қуйидаги хизматлар тўловини тўлаш мажбуриятини олади.

2. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг қиёслаш нархи Давлат марказининг 02.02.2015 йилдаги 2- сонли ва 26.10.2017 йилдаги 46- сонли, шунингдек 16.11.2020 йилдаги 61- сонли буйруқлар асосида белгиланади.

2.2. Шартноманинг умумий нархи 15% ҚҚС билан 3 306 825,00 (Уч миллион уч юз олти минг саккиз юз йигирма беш сум, 00 тийин) сўм миқдорини ташкил этади.

№	Ўлчаш воситаси номи, тури	ЎВ сони (дона)	Қиёслаш нархи		ҚҚС 15%	Жами ҚҚС билан
			Дона учун	Жами		
1	Мониторы пациента	2	172 800,00	345 600,00	51 840,00	397 440,00
2	Физиотерапия	6	137 700,00	826 200,00	123 930,00	950 130,00
3	Электрокардиограф	3	172 800,00	518 400,00	77 760,00	596 160,00
4	УЗИ	1	270 000,00	270 000,00	40 500,00	310 500,00
5	Дефибриллятор	1	234 900,00	234 900,00	35 235,00	270 135,00
6	ЭХВЧ	3	226 800,00	680 400,00	102 060,00	782 460,00
	Жами	16		2 875 500,00	431 325,00	3 306 825,00

2.3. Иш ва хизматлар нархи ўзгарган ҳолатларда, шунингдек, ушбу шартноманинг амал этиш вақтида энг кам иш хақи миқдори ўзгарганда, тегишли индексация коэффициенти асосида шартноманинг нархи қайта кўриб чиқилади ва ёзма равишда расмийлаштирилади.

2.4. Тарафлар томонидан шартнома имзолангач, 15 (ўн беш) банк куни мобайнида, «Буюртмачи» кўрсатиладиган хизматлар баҳосининг 100% (юз фоиз) миқдоридagi олдиндан тўловни «Бажарувчи»нинг банкдаги ҳисоб рақамига олдиндан пул ўтказиш мажбуриятини олади.

2.5. ЎВларини қиёслаш хизмати Тошкент шаҳардан ташқарида бажарилганда, бошқа жойга чиқиб кўрсатилган хизматларга тўлов «Бажарувчи»нинг ҳисоб рақамига «Буюртмачи» томонидан қўшимча равишда тўланади ва ишлар бажарилиш жойига бориш ҳамда намунавий ЎВларини ташиш, яшаш ва суткалик ҳаражатларни ўз ичига олади. «Буюртмачи» транспорт такдим этган ва хақиқий ишлар бажарилиш жойида яшаш жойини таъминлаган ҳолларда қўшимча иш хизматлари учун тўлов тўламайди.

2.6. Бошқа жойга чиқиб кўрсатилган хизмат учун тўлов хақиқий ишлар бажарилиш жойига ва ишларни бажаришга жўнатилган «Бажарувчи» вакилларининг сонига боғлиқ ҳолда белгиланган тарифга мувофиқ ва ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади ва алоҳида ҳисоб-китоб билан аниқланади. Қўшимча ҳаражатларнинг умумий тўлови ушбу шартноманинг 2.2. банди умумий нархга қўшилади.

2.7. Тиббий ЎВларини қиёсланганда, салбий натижалар олинса, ҳамда «Буюртмачи» тиббий ЎВларини қиёслашдан бош торганда, хизматлар учун тўланган умумий тўлов қайтарилмайди.

2.8. Шартнома бўйича ишлар якунланиб, электрон ҳисоб-фактураси ёпилгандан сўнг, «Бажарувчи» қиёслаш натижасига оид тегишли ҳужжатлар «Буюртмачи»нинг ишончномага эга бўлган вакилига такдим этилгандан кейин, хизмат тўлик кўрсатилган ҳисобланади.

3. ТАРАФЛАР ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- ЎВ тўлик такдим этиш;
- қиёслаш учун зарур ҳолларда меъёрий ҳужжатлар;
- ЎВни қиёслашга, ушбу ЎВга тегишли қисмларни ҳужжатга мувофиқ, тўлик бут ҳолатда такдим этиш;
- хизматларни бажариш билан боғлиқ барча ҳаражатларни тўлаш;
- қиёслашни ўтказиш учун керакли хона ва ёрдамчи ходим ажратиш;
- иш мобайнида ўлчаш воситаларининг бирор турини қўшимча қилса, бу ҳолат тарафларнинг ёзма равишдаги мувожади бўйича ушбу шартномага қўшимча келишув тузиш орқали амалга оширилиши мумкин.
- сайёр хизмат кўрсатишда, «Буюртмачи» томонидан «Бажарувчи»га тегишли қиёслаш ва ёрдамчи ашёларни, шунингдек «Давлат маркази»нинг ходимларига транспорт воситаси билан таъминлаш лозим.
- шартномада қайд этилмаган «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари амалдаги қонунчиликлар асосида кўриб чиқилади.

3.2. «Бажарувчи»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- шартнома мажбуриятларини бажариш муддати 15 (ўн беш) иш куни, ишларнинг мураккаблиги даражаси кўп меҳнат талаб қилинса, Тарафни ёзма равишда огоҳлантирилади ва ўзининг хослигига қараб, 1 (бир) ой давомида Тарафлар

келишуви асосида амалга оширилиши;

б) «Буюртмачи» хохишига қараб, хизматлар муддатидан аввал кўрсатилиши;

в) ишларни бажарилиш муддати «Буюртмачи» томонидан ушбу шартномани 2.4.- банди бажарилгандан сўнг, амалга оширилади.

г) шартномада қайд этилмаган «Бажарувчи»нинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари амалдаги қонунчиликлар асосида кўриб чиқилади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

4.1. Шартномани бажарилишини бир томонлама рад этишга йўл қўйилмайди.

4.2. Тарафлар ўртасида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва ушбу шартнома талаблари шартларига мос равишда бажарилиши шарт.

4.3. Мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тўлиқ бажармаганлиги учун Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

4.4. Тарафлар ўртасида мазкур шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар Тарафлар келишуви билан хал қилинади. Келишувга эришилмаган ҳолда, низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида хал этилади.

5. БОШҚА ШАРТЛАР

5.1. Шартнома фақатгина тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин. Ушбу шартномага киритилдиган ҳар қандай ўзгартириш ёки қўшимчалар ёзма равишда (қўшимча келишув ва бошқа ҳужжатлар) расмийлаштирилиб, Тарафлар томонидан имзоланади ва улар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5.2. Шартнома Тарафларнинг ўзаро келишувига кўра, бир тараф шартнома шартларини бузган ҳолда ёки қуйидаги ҳолатларда бекор қилиниши мумкин:

а) ишлар бажарилиши учун асбоблар, ўлчаш воситалари, ва зарур ҳужжатлар ўз вақтида топширилмаганда;

б) шартноманинг 2.4.- ва 3.1.- бандлари «Буюртмачи» томонидан бажарилмаган ёки ишларнинг бажарилишини кечиктириш ҳақидаги ёзма хабарномаси бўлмаганда;

5.3. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган, қолган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тартибга солинади.

6. ФОРС МАЖОР

6.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиққан ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этган ҳолларда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли «Енгиб бўлмас куч (Форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган шартларнинг мавжудлигига кўра, Тарафлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этилади.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил «31» декабргача амал қилади.

7.2. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши Тарафларни жавобгарликдан озод қилмайди.

7.3. Мазкур шартнома икки нусхада – ҳар бир тараф учун биттадан тузилиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга.

8. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

БАЖАРУВЧИ:

«Dori vositalari, tibbiy buyumlar va tibbiy texnika ekspertizasi va standartlashtirish Davlat markazi» DUK

Манзил: 100002, Тошкент ш, Озод кўч, К.Умаров тор кўч, 16

Телефон: (+99871) 242-48-93, 249-47-93

Факс: (+99871) 242-48-25

Ҳисоб рақами: 20210000400430522001

МҲО: 00407

ИНН: 201156614

ОКЭД 71200

ГОО НВ ВЭД РУз Тошкент ш.

Директор

С.Х. Кариев

БУЮРТМАЧИ:

«Farg'ona to't» JSC

Манзил: Соҳобат кўчи 222

Телефон: 73-242-59-95

Факс:

Ҳисоб рақами: 20210000200228989001

МҲО: 00524

ИНН: 200202240

ОКЭД 20152

Ҳирманн СББ

Директор



Шартноманинг бундай додлаши ва шартлари қонунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома лойиҳасининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг нормалари билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мос келади ва ушбу шартномада нархларни белгилаш учун юрисконсулт жавобгар эмас.

Юрисконсулт

Ш.У.Тухтабаев

Лаборатория мудир

Н.М.Абдуллаев

(Handwritten signature)